Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг из!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 158 (21. 025) 1991 йил 16 август, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон—Ҳиндистон:

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВнинг «Таймс оф Индиа» рўзномаси учун мухбирнинг саволларига жавоблари

— Сиз республикадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни қандай тавсифлаган бўлур эдингиз?

— Бугунги сиёсий ва иқтисодий вазиятимиз тўғрисида гапиришдан олдин, афтидан, бугунги кунга қандай келиб қолганимизни, республикамиз иқтисодий жиҳатдан нима сабабли жуда оғир аҳволга тушиб қолганини яхшироқ тасаввур этиш учун ўтмишга қисқача назар ташлаш керак. Тўғри, Иттифоқимиздаги бошқа жумҳуриятлар ҳам қандайдир иқтисодий ютуқлар билан мақтана олмайдилар. Ўзбекистон эса айниқса оғир аҳволга тушиб қолди. Гап шундаки, Совет ҳокимияти йилларида республикамиз иқтисодиёти тўла-тўкис, мукаммал ривожланмади, у мамлакатимизнинг хом ашё етказиб берадиган ўлкаси бўлиб қолди, шу сабабли ҳозирги аҳволимизга республика иқтисодиётини шакллантиришнинг ана шу стратегияси кўзгусидан қараш керак. Биз пахта, мева-сабзавот етиштиришимиз, қоракўл, ипак беришимиз, хуллас биздан табиий ва хом ашё ресурслари туфайли нисбатан осонроқ етиштириш мумкин бўлган ҳамма нарсаларни беришимиз керак эди, биласизки, республикамиз табиий хом-ашё ресурсларига жуда бой. Ўзбекистон тайёр маҳсулот олишга ёрдам берадиган дастлабки ишлар билангина шуғулланган, тайёр маҳсулот эса республика ташқарисида ишлаб чиқарилган. Бизнинг бугунги иқтисодий кўрсаткичларимиз, очиғини айтадиган бўлсак ана шундан келиб чиқади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад Иттифоқимиздаги ўртача даражадан икки ярим баравар камдир. Иқтимоий ёрдамчи тармоқлар етарли даражада ривожланмаганлигининг сабаби ҳам мана шунда — бош соғлиқни сақлаш, маданият, халқ таълими иншоотларини, яъни одамлар кўнгилдагидек яшашлари учун зарур бўлган қўшимча иншоотларини қуриш учун маблағ топа олмаяпмиз. Республикамизнинг нуфус хусусиятларини эътиборга олсак, бизда аҳоли мамлакатимиздаги ўртача даражадан уч ярим баравар тезроқ кўпаймоқда. Ижтимоий-маиший соҳада эришилган даражани сақлаб қолишимиз учун бизга уч ярим баравардан кўпроқ сармоя керак. Бюджетимиз ҳам жуда қарам аҳволда қолди, даромад қисмининг учдан бири Иттифоқ дотацияси ҳисобидан қопланмоқда. Қисқасини айтганда, иқтисодиётимизнинг, ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир томонлама ривожланиши энг аввало одамлар турмуши билан боғлиқ соҳаларда қолоқликка олиб келди. Инсон эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган молларнинг ярмидан кўпроғини республика ташқарисидан ташиб келтираётганимизни ҳисобга олсак, республикамиз Иттифоқимизнинг қолган қисми иқтисодиётига қай даражада қарам бўлиб қолганини тасаввур этиш қийин бўлмаса керак, деб ўйлайман. Буларнинг ҳаммаси, назаримда, марказ стратегиясида ва умумиттифоқ меҳнат тақсимотида бизга ажратилган ўринда олдиндан белгилаб қўйилган эди.

Бугунги кунда иқтисодий вазиятни сиёсий вазиятдан ажратиш мумкин эмаслигига, уларнинг диалектик узвий боғлиқлигини эътироф қилмаслик мумкин эмаслигига ҳеч кимда шубҳа туғилмаса керак. Сиёсий тузилмалар, уларнинг обрўси халқ турмуши даражаси билан белгиланади. Агар бутун мамлакатдаги сингари бизда ҳам турмуш даражаси ёмонлашиб бораётганини ҳисобга олсак, одамларнинг айниқса кундалик эҳтиёж моллари, оилага, ҳар бир кишига зарур бўлган барча нарсаларнинг нархи кўтарилганидан кейинги кайфиятларини билиб олиш мумкин.

Вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш учун Ўзбекистоннинг барча хом ашё ресурслари, бойликларини ўзимизда қайта ишлашимиз зарурлиги мутлақо равшандир. Республикамизда эса Менделеев жадвалидаги барча бойликлар бор.

Бизда бунинг учун жуда ноёб меҳнат ресурслари бор — республикамизда 16 ёшгача бўлганлар аҳолининг 47 фоизини ташкил этади.

Биз республика иқтисодиётини халқимиз талаблари ва эҳтиёжларига бўйсундиришни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб ҳисоблаймиз, чунки ҳар бир оила, ҳар бир киши тинчлик ва тўкис тугалликда яшасагина, республикамиз эркин ва бой бўлишига, гуллаб-яшнашига ишонамиз.

— Ўзбекистоннинг янгиланган Иттифоқда қатнашиш режалари қандай?

— Мамлакатимизда Иттифоқ шартномасини имзолашга узоқ вақтдан бери тайёргарлик кўрилмоқда. Имзолаш учун ҳозирдаёқ тайёр бўлган ҳужжатга, яъни мустақил совет республикалари шартномасига нисбатан бизнинг принципиал йўлимиз бор. Бу йўл республика мустақиллигини амалда тан олишга асосланган. Янги шартномада, назаримда оқилона йўл топилган. Республикалар Иттифоққа ваколатлар беришлари билан бир қаторда, бизга, аниқ кафолатлар ҳам берилади: жумладан, халқаро бозорга мустақил чиқамиз, рухсатнома бериш масалаларини ва шу каби бошқа масалаларни ҳал этамиз, биз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор шериклар билан халқаро алоқалар ўрната оламиз. Мазкур шартномани имзолагач, ўзимизнинг мўлжаллаган режаларимизни амалга ошира бориб, аҳоли турмуш даражасини кўтаришимиз мумкин. Ижобий дастур асосида жипслашган ҳолдагина тангликдан чиқишимиз мумкин.

23 июль куни узил-кесил ишлаб чиқилган Иттифоқ шартномасининг сўнгги нусхаси узоқ ва машаққатли меҳнатнинг, айтишим мумкинки, кураш ҳамда Михаил Сергеевич Горбачевнинг қарамақарши фикрларни яқинлаштириш ва иложсиз ҳолларда ҳам ундан чиқиш йўлларини топа олиш маҳорати туфайли эришилган муросаларимизнинг натижасидир. Марказлаштирилган раҳбарлик тарафдорлари аввалига республикаларга қандайдир ҳуқуқлар, ваколатлар беришга интилдилар. Шуни айтиш керакки, юқоридан зўр миннат билан берилган бундай ҳуқуқ ва ваколатларнинг кераги йўқ эди. Бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборат эдики, биз ўз ҳудудимизда барча масалаларни тўла-тўкис ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган мутлақо эркин, мустақил давлатлар — республикалар бўлишимиз керак. Биз — иттифоқдош республикалар баъзи масалалар биргаликдаги куч-ғайратлар билан ҳал этилишини, уларни якка ҳолда ҳал қилиб бўлмаслигини яхши тушунамиз. Мен республикалар Иттифоқ ихтиёрига топширган масалалар ҳақида гапираяпман. Булар — космос, мудофаа, алоқа ва бошқа шу каби айрим республикалар доирасида ҳал этиш мумкин бўлмаган масалалардир. Шартномада солиқлар масаласи, Иттифоқ ва жумҳурият бюджетларини шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳали охиригача ҳал қилинмаган, лекин бунинг оқилона асоси бор. 20 август куни Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон биринчи бўлиб шартномага имзо чекади. Бу бозор муносабатларига ўтишдаги катта қадам бўлади. Шартнома Иттифоқ ва республикалар даражасида қабул қилинган «қонунлар урушига» барҳам беради. Иттифоқ шартномаси жуда кўп масалаларни: мулкни чеклаш, хусусийлаштириш, мамлакат ташқи қарзига алоқадор масалаларни ҳал қилади.

— Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий алоқаларининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

— Биз жуда узоқ вақт мобайнида мафкуравий бидъат, янглишишлар, аҳмоқона ва ҳаётдан узилиб қолган чақириқлар ҳамда шиорлар, эртанги ёркин ҳаёт тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар остида қолиб кетдик. Иттифоқ шартномасини тайёрлаш чоғида республиканинг ташқи бозорга мустақил чиқиш ҳуқуқини олиши биз қўйган шартлардан бири эканлигини таъкидламоқчи эдим. Биз бунингсиз тангликдан чиқиш йўлида режалаштирилган дастурни амалга ошира олмаймиз. Иттифоқ шартномаси имзоланганидан сўнг истиқболларимиз жуда ва жуда жозибали бўлиши кўриниб турибди. Мен Ўзбекистон яқин келажакда биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр турган кўпгина мамлакатларда ўз консулхоналарини очишига ишонаман.

Мамлакатимиздаги, шу жумладан республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий турмуш шу қадар мураккаблигига қарамай, аҳолининг турли табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқдик ва уни аниқ мазмун билан бойитдик. Дарвоқе, бизда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аввалги йилларда эришилган даражаси сақлаб қолинди, иқтисодий ва сиёсий ўзгартишлар учун давлат-ҳуқуқ базаси вужудга келтирилди. Жумладан, бизнинг парламент ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга келтирадиган ва хорижий сармояларга кафолат берадиган бир қанча муҳим қонунларни қабул қилди. Ҳукумат ишбилармонликнинг иқтисодий эркинлиги, шунингдек бизда қўшма корхоналар очиш ниятида бўлган ҳамда сармоя солиш ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиш ниятида бўлганлар учун кенг имтиёзлар кўзда тутилган бутун бир меъёрий ҳужжатлар мажмуини тасдиқлади. Бизда мулкчиликнинг барча шаклари эътироф қилиниб, ривож топаётганлигини таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда хусусий ҳамда акционерлик мулкига нисбатан ҳеч қандай қаршилик йўқ.

— Агар иложи бўлса, Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан муносабатлари тўғрисида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон Ҳиндистон билан анъанавий тарихий алоқалар орқали боғланган. Бугунги кунда мазкур мамлакат билан муносабатларда нимагаки эга бўлсак, у биздаги мавжуд имкониятлар даражасида эмаслигига ишончим комил.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан ҳамкорлиги истиқболлари шу қадар зўрки, биз ҳозирча, уни тўла-тўкис тасаввур эта олмаймиз. Ўзбекистон делегациясининг Ҳиндистонга қиладиган расмий ташрифи иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлигимиз гуркираб ривожланиши учун туртки беришига умид қиламан.

Мен кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кичик, ўртача фирмалар, компаниялар билан ҳам ҳамкорлик қилишга катта умид боғлаяпман. Биз ўтмишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган ихчам, йўналишини тез ўзгартира оладиган қўшма корхоналар қурилишини авж олдиришга тайёрмиз. Ҳиндистон билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш — давр тақозосидир.

Ўзбекистон Осиё республикаси эканини ҳисобга олиб, Осиё — Тинч океан минтақасидаги бошқа мамлакатлар билан ҳам савдо ҳамда иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишни режалаштиряпмиз. Биз ўзаро манфаатли асосда иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрмиз.

Суҳбатимиз охирида ўзбек халқи Ҳиндистон халқларига катта ҳурмат билан қараётганини, бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз аниқ-равшан мазмун билан бойиб боришини хоҳлаётганини айтмоқчиман. Ҳиндистон халқи билан раҳбарларига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Суҳбатни ИАН махсус мухбири Валерий НИЕЗМАТОВ тайёрлади.

ҲИНДИСТОНГА МЕҲР БИЛАН

ДЕЛЕГАЦИЯЛАР КУЗАТИБ ҚЎЙИЛДИ

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг кенгаши тугаганидан сўнг музокараларда қатнашган делегациялар Тошкентдан жўнаб кетди. 14 август куни кечқурун Тошкент—2 аэропортидан Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоев бошчилигидаги Қозоғистон делегацияси ва Тожикистон ССР Президенти Қ. Маҳкамов бошчилигидаги Тожикистон делегацияси жўнаб кетди.

15 август куни эрталаб Президент А. Акаев бошчилик қилаётган Қирғизистон республикасининг ва Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов бошчилигидаги Туркманистон ССР делегациялари жўнаб кетди.

Аэропортда юқори мартабали меҳмонларни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, республика вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР делегациясининг бошқа аъзолари кузатиб қолдилар.

Шу куни Бош вазир Г. А. Гасанов бошчилигидаги Озарбайжон Республикаси делегациялари ҳам жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).



● Боғот районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида ғўзани чиппиш якунланмоқда. Ғўза қатор оралариға ишлов бериш қизғин. Бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиш учун курашилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ижарачи Гулсая Мадримова. 2. Сувчи Ражаббой Худойберганов. 3. Пахтазорларнинг бугунги манзараси.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар (ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА «ТАШОБЛЮКТРАНС» КОНЦЕРНИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИ ТЎҒРИСИДА

«Ташоблюктранс» концернининг партия ташкилотлари, коммунист раҳбарлари партия раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан сиёсий усулларига ўтаётган шароитда асосий диққат-эътиборни бозор муносабатларига ўтиш шароитида ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси масалаларини ҳал этишга қаратдилар. Партия йиғилишларида ҳаёт фаолиятининг энг долзарб масалалари бўйича коммунистларнинг сиёсий йўли ишлаб чиқилмоқда, ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасидаги қарорлар қабул қилинмоқда, меҳнат жамоалари ишлаб чиқариш фаолиятида сифат жиҳатидан янги даражага эришишга йўналтирилмоқда.

Партия ташкилотларининг ижтимоий муҳофаза қилиш ташаббусига биноан концерн дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастур биринчи навбўлинмаларида ходимларни батда мавжуд ички резервлардан фойдаланишни кўзда тутади. Дастур меҳнаткашлар ва жамоаларнинг таклифларини ўрганиш асосида тузилган, очиқ партия йиғилишларида, партия ташкилотлари секретарларининг кенгашида муҳокама қилинган ва концерн кенгаши томонидан тасдиқланган.

Уни рўёбга чиқариш давомида корхоналарнинг ходимлари салкам 20 турдаги ҳар хил ижтимоий имтиёз ва афзалликлар олишди. Совет армияси жангчилари хўжалик-

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲМОННИ КУТИШМОҚДА

Деҳли. 15 август. (ТАСС мухбири Михаил Капустин). Ҳиндистон савдо-саноат доираларининг намояндалари Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг республикага бўлажак ташрифини қизғин табрикламоқдалар, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Ҳиндистон — Совет савдо-саноат палатасининг раиси Манубхай Шоҳ. Бу ташриф Совет — Ҳиндистон кўп қиррали муносабатларини, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқич очади, қадимий тарихий анъаналарга эга бўлган Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги бевосита алоқаларни янада юқорироқ поғонага кўтаради.

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга ташрифи ҳинд ва ўзбек халқлари турли соҳаларда дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётганидан далолат беради, деб таъкидлади М. Шоҳ. Ислом Каримовнинг Ҳиндистон сиёсат раҳбарлари, бизнес ва саноат намояндалари билан бўлажак учрашувлари ва музокаралари Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликка янги омил бағишлаши керак.

Ҳиндистон — Совет савдо-саноат палатаси Ўзбекистонга компьютерлар, чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил этишнинг, цемент заводи, тўқимачилик фабрикалари, қандолат маҳсулотлари ва музқаймоқ, линолеум ва сопол кошинлар, дори-дармонлар ва пардоз-андоз буюмлари, шунингдек, яна бир қанча молларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг 18 та тайёр лойиҳасини тақдим этмоқда, деди М. Шоҳ. Биз яқинда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов бошчилигидаги делегация билан самарали музокаралар олиб бордик, кўчма корхоналарнинг тайёрланган барча лойиҳалари амалга ошишига умид қиламиз.

Ҳиндистон — Совет савдо-саноат палатаси Ўзбекистонга амалда ҳар қандай технологияни, шунингдек, у манфаатдор бўлган ресурсларни таклиф этиши мумкин, деб таъкидлади М. Шоҳ. У сўзининг охирида умуман дўстлик ва ҳамкорлик борасидаги Ҳиндистон — Совет муносабатлари ҳам, шунингдек, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам икки мамлакат халқлари, Осиёда ва бутун сайёрамизда тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида мустаҳкамланиши ва ривожланишига қаттиқ ишонч билдирди.

РАСМИЙ ДЎСТОНА ТАШРИФ

Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига ва эришилган келишувга биноан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти Ислом Каримов 1991 йил 17-19 август кунлари Ҳиндистон Республикасига расмий дўстона ташриф билан сафар қилади.

ҚАРДОШЛИК ЧЕГАРА БИЛМАС

Тошкентда бўлган тантанали йиғилиш 15 август куни мамлакатимизда кенг нишонланадиган Ҳиндистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кунига бағишланди.

«Ўзбекистон — Ҳиндистон» жамияти раиси Қ. Ҳ. Маҳамадалиевнинг маърузасида ва сўзга чиққан кишиларнинг нутқларида бундан қирқ тўрт йил илгари мустамлакачилик жабр-зулмидан қутилган ҳинд халқи шу вақт мобайнида янги ҳаёт қурилишида катта муваффақиятларга эришгани таъкидланди. Қадимий маърифат, кўп асрлик тарих ва жуда бой маданият мамлакати бўлган, саноати ривожланган давлатларнинг қачонлардир қолоқ ўлкаси ҳисобланган Ҳиндистон бугунги кунда кучли, жўшқин ривожланаётган давлатга айланди. Қўшилмаслик ҳаракати тарафдорларидан бири бўлган Ҳиндистон республикаси халқаро ишларда муҳим ўрин тутмоқда.

Бу йил СССР билан Ҳиндистон ўртасида тузилган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги нишонланади. Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар Ҳиндистон ишбилармонлари ва корхона эгалари учун янги имкониятлар яратади. Республикамиз Ҳиндистоннинг энг йирик савдо шериклардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Давр синовидан ўтган Совет — Ҳиндистон алоқалари чинакам тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тусига кирмоқда ва у яхши истиқболларга эга.

(ЎзТАГ).

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Бухоро вилоят партия комитетининг пленуми бўлди, унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

А. Р. Мўминов Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланганлиги муносабати билан Бухоро вилоят партия комитетининг котиби — ижтимоий-иқтисодий бўлим мудири лавозимидан озод этилди.

Бухоро вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари С. К. Хусенов Бухоро вилоят партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленумда Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИДА

КПСС АЪЗОСИ А. Н. ЯКОВЛЕВНИНГ КПСС УСТАВИГА ЗИД ОММАВИЙ ЧИҚИШЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИ ҲАҚИДА

Сўнгги вақтда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг собиқ аъзоси, Марказий Комитет котиби А. Н. Яковлев КПССни парчалаб ташлашга ва уни сиёсий майдондан четлаштиришга қаратилган бир қанча баёнотлар берди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясига коммунистлардан, партия ташкилотларидан, назорат идораларидан КПСС аъзоси А. Н. Яковлевнинг ошкора баёнотлари ва ҳаракатларига партиявий баҳо беришни талаб қилувчи хатлар келмоқда.

КПСС Марказий назорат комиссияси Раёсатининг бюроси бу масалани шу йил 15 август куни кўриб чиқиб қарор қилди: КПСС Уставига зид ҳамда партияни парчалаб юборишга қаратилган ҳаракатлари учун КПСС аъзоси А. Н. Яковлевнинг бундан буён КПСС сафларида қолиши мумкин эмас, деб ҳисобланди.

Бу масалага доир таклиф бошланғич партия ташкилотига юборилди.

1991 йил 23 июлда келишиб олинган

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Ушбу шартномани имзолаган давлатлар.

Давлат мустақиллиги ҳақида ўзлари эълон қилган декларацияларга асосланиб ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олиб;

ўз халқларининг тарихий тақдирлари яқинлигини эътиборга олиб ҳамда ўз халқларининг Иттифоқни сақлаб қолишга ва янгилашга бўлган ҳамда 1991 йил 17 мартдаги референдумда изҳор этган хоҳиш-иродасини бажариб;

дўстлик ва тотувликда яшашга интилиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаб;

ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун шароит яратиш ҳамда унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари пишиқ-пухта кафолатларини вужудга келтириш истаги билан;

халқларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий ривожланиши, миллий маданиятлар бир-бирини ўзаро бойитиши, ялпи ҳавфсизликни таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилиб;

ўтмишдан сабоқлар чиқариб ҳамда мамлакат турмушидаги ва бутун дунёдаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

Иттифоқдаги ўз муносабатларини янги негизларда қуришга қарор бердилар ва қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар.

I.

АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Биринчи. Шартномада қатнашувчи ҳар бир республика — мустақил давлатдир. Мустақил Совет Республикалари Иттифоқи (СССР) — тенг ҳуқуқли республикаларнинг бирлашуви натижасида ташкил топган ва шартнома қатнашчилари ихтиёрий равишда берадиган ваколатлар доирасида давлат ҳокимиятини амалга оширадиган мустақил федератив демократик давлатдир.

Иккинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиб, уларнинг ҳудудида яшовчи барча халқларнинг тенг сиёсий ҳуқуқларига ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш имкониятларига кафолат берадилар. Шартнома қатнашчилари умумбашарий ва миллий қадриятларни бирга қўшишга асосланиб иш тутадилар, ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқадилар.

Учинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар БМТ инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган бошқа меъёрларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари устуворлигини энг муҳим қоида, деб ҳисоблайдилар. Барча фуқароларга она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имконияти, ахборотдан бемалол баҳраманд бўлиш, дин эркинлиги, бошқа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолати берилади.

Тўртинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар фуқаролар жамиятини барпо этишни халқ ва ҳар бир инсон эркинлиги ҳамда фаровонлигининг энг муҳим шарти деб биладилар. Улар мулкчилик шаклларини ҳамда хўжалик юритиш усулларини эркин танлаб олиш, Умумиттифоқ бозорини ривожлантириш, ижтимоий адолат ва ҳимояланиш қоидаларини рўёбга чиқариш асосида одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга интилаверадилар.

Бешинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар тўлатўкис сиёсий ҳокимиятга эгадирлар, ўз миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил равишда белгилайдилар. Улар ўз давлатларининг бир қисмини шартномада қатнашувчи, ўзлари таркибига киручи бошқа давлатларга топширишлари мумкин.

Шартнома қатнашчилари халқ вакиллигига ва халқларнинг ўз хоҳиш-иродасини тўппа-тўғри изҳор этишига асосланган демократияни муштарак таг-заминли қоида, деб тан оладилар, тоталитаризмга ва бедодликка бўлган ҳар қандай тамойилларга қарши кафолат бўлиб хизмат қила оладиган ҳуқуқий давлат барпо этишга интиладилар.

Олтинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, маориф, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданиятни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайдилар. Улар инсонпарварлик руҳидаги маънавий қадриятларни ҳамда Иттифоқ ва бутун дунё халқларининг ютуқларини жадал айирбошлашга ҳамда бир-бирини бойитишига кўмаклашадилар.

Еттинчи. Мустақил Совет Республикалари Иттифоқи халқаро муносабатларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг вориси — мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида майдонга чиқади. Унинг халқаро майдондаги бош мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ядро қуролини ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тугатиш, инсониятнинг ялпи муаммоларини ҳал этишда давлатларнинг ҳамкорлиги ва халқларнинг бирдамлигидан иборат.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосидирлар. Улар иттифоқдош давлатлардан биронтасининг манфаатларини ва уларнинг умумий манфаатларини камситмай, Иттифоқнинг халқаро мажбуриятларини бузмай, чет давлатлар билан бевосита дипломатия, консуллик алоқалари ва савдо муносабатлари ўрнатишга, улар билан мухтор ваколатхоналар айирбошлашга, халқаро шартномалар тузишга ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятида қатнашишга ҳақлидирлар.

II.

ИТТИФОҚНИНГ ТУЗИЛИШИ

1-модда. **Иттифоқда аъзолик**

Давлатларнинг Иттифоқдаги аъзолиги ихтиёрийдир.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар унга бевосита ёки бошқа давлатлар таркибида кирадилар. Бу ҳол уларнинг ҳуқуқларини камситмайди ва шартнома юзасидан олинган мажбуриятлардан халос этмайди. Уларнинг ҳаммалари тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва тенг мажбуриятларни зиммага оладилар.

Бири иккинчисининг таркибига кирадиган давлатлар ўртасидаги муносабатлар улар ўртасидаги шартномалар билан, ўзи таркибига кирадиган давлатнинг Конституцияси ва СССР Конституцияси билан тартибга солинади, РСФСРда федератив ёки бошқа шартнома билан, СССР Конституцияси билан тартибга солинади.

Иттифоқ мазкур шартномани тан олувчи бошқа демократик давлатларнинг кириши учун очиқдир.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар шартнома қатнашчилари белгилаб қўйган ҳамда Иттифоқ Конституциясида ва қонунларида мустаҳкамланган тартибда ундан эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

2-модда. **Иттифоқ фуқаролиги**

Иттифоққа кирувчи давлатнинг фуқароси айни вақтда Иттифоқнинг фуқаросидир.

ССР Иттифоқининг фуқаролари Иттифоқ Конституциясида, қонунларида ва халқаро шартномаларида мустаҳкам белгилаб қўйилган тенг ҳуқуқларга, эркинликлар ва мажбуриятларга эгадирлар.

3-модда. **Иттифоқ ҳудуди**

Иттифоқнинг ҳудуди уни ташкил этувчи барча давлатларнинг ҳудудларидан иборатдир.

Шартнома қатнашчилари шартнома имзоланган пайтда ўз ўрталарида мавжуд бўлган чегараларни тан оладилар.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги чегаралар фақат ўз ўрталарида тузилган ва шартномаларнинг бошқа қатнашчилари манфаатларига хилоф бўлмаган битимга мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

4-модда. **Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги муносабатлар**

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги муносабат ушбу шартнома, СССР Конституцияси билан, уларга зид бўлмаган шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

Шартнома қатнашчилари ўзларининг ўзаро муносабатларини Иттифоқ таркибида тенглик, мустақилликни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч воситалар билан ҳал этиш, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, Иттифоқ шартномасига ва республикаларо битимларга мувофиқ олинган мажбуриятларни виждонан бажариш асосига қурадилар.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар: ўз ўрталаридаги муносабатларда куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик; бир-бирининг ҳудудий яхлитлигига қасд қилмаслик; Иттифоқнинг мақсадларига зид бўлган ёки уни ташкил этувчи давлатларга қарши қаратилган битимларни тузмаслик мажбуриятини оладилар.

СССР Мудофаа вазирлигининг қўшинларидан камдан-кам ҳолларда долзарб халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда, табиий офатларнинг оқибатларини ва экология фалокатларини тугатишда қатнашишдан, фавқулодда ҳолат тартиби тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, мамлакат ичкарисида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5-модда. **ССР Иттифоқи юритадиган соҳа**

Шартнома қатнашчилари ССР Иттифоқига қуйидаги ваколатларни берадилар:

— Иттифоқ ва унинг субъектлари мустақиллигини ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш; уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш; Иттифоқ мудофаасини таъминлаш ва қуролли кучларга, чегара, махсус (ҳукумат алоқаси, муҳандислик-техник ва бошқа қўшинларга), ички, темир йўл қўшинларига раҳбарлик қилиш; қуролярог ва ҳарбий техника ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

— Иттифоқнинг давлат ҳавфсизлигини таъминлаш; давлат чегараси, иқтисодий зона, Иттифоқнинг денгиз ва осмон бўшлиғи тартибини белгилаш ва уларни муҳофаза қилиш; республикаларнинг ҳавфсизлик идораларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш.

— Иттифоқнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш ва республикаларнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш; чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Иттифоқ номидан вакиллик қилиш; Иттифоқнинг халқаро шартномаларини тузиш.

— Иттифоқнинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ва республикаларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириб туриш; халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларда Иттифоқ номидан вакиллик қилиш, Иттифоқнинг ташқи иқтисодий битимларини тузиш.

— Иттифоқ бюджетини тасдиқлаш ва ижро этиш, пул чиқариб туриш; Иттифоқнинг олтин заҳирасини, олмос ва валюта жамғармаларини сақлаш; космик тадқиқотларга раҳбарлик қилиш; ҳаво транспорти қатновини, Умумиттифоқ алоқа ва ахборот, геодезия ва картография, метрология, стандартлаш, об-ҳавони аниқлаш тизимларини бошқариш; атом энергетикасини бошқариш.

— Иттифоқ Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Иттифоқ ваколатлари доирасида қонунлар қабул қилиш ва республикалар билан келишилган масалалар юзасидан қонун асосларини белгилаш; Олий конституциявий назорат.

— Федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамда Иттифоқ ва республикалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туриш.

6-модда. **Иттифоқ билан республикалар биргаликда юритадиган соҳа**

Иттифоқ билан республикаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари қуйидаги ваколатларни биргаликда амалга оширадилар:

— ушбу шартномага ва ССР Конституциясига асосланган Иттифоқ конституциявий тузумини ҳимоя қилиш; СССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш.

— Иттифоқнинг ҳарбий сиёсатини белгилаш, мудофаани ташкил этиш ва таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш; армияга чақириш ва ҳарбий хизматни ўташнинг ягона тартибини белгилаш; чегара зонаси тартибини белгилаш; республикалар ҳудудидаги қўшинларнинг фаолияти ва ҳарбий иншоотларнинг жойлаштирилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш; халқ хўжалигини сафарбарликка тайёрлашни уюштириш; мудофаа мажмуи корхоналарини бошқариш.

— Иттифоқ давлат ҳавфсизлиги стратегиясини белгилаш ва республикаларнинг давлат ҳавфсизлигини таъминлаш; шартноманинг тегишли қатнашчиси розилиги билан Иттифоқнинг давлат чегарасини ўзгартириш; давлат сирларини сақлаш; Иттифоқ ташқарисига чиқарилмайдиган стратегик ресурслар ва маҳсулотлар рўйхатини аниқлаш, экология ҳавфсизлиги соҳасидаги умумий қоидалар ва меъёрларни белгилаб қўйиш; парчаланувчан ва радиоактив материалларни олиш, асраш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш.

— ССР Иттифоқининг ташқи сиёсат йўлини белгилаш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш; халқаро муносабатларда СССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, республикаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш; ташқи иқтисодий фаолият асосларини белгилаш; халқаро қарзлар ва кредитлар тўғрисида битимлар тузиш, Иттифоқнинг ташқи давлат қарзини тартибга солиш; ягона божхоналар иши; Иттифоқнинг иқтисодий зонаси ва денгизнинг соҳилга яқин жойлари табиий бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш.

— Иттифоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти стратегиясини аниқлаш ва Умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш учун шароит яратиш; умумий валютага асосланган яхлит молия, кредит, пул, солиқ, суғурта ва нархнаво сиёсатини ўтказиш; Иттифоқнинг олтин заҳирасини, олмос ва валюта жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш; Умумиттифоқ дастурларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш; Иттифоқ бюджетининг ижросини ва келишиб олинган пул чиқарилишини назорат қилиш; маҳаллий ривожланиш ҳамда табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатиш Умумиттифоқ фондларини вужудга келтириш; стратегик заҳираларни яратиб қўйиш; ягона Умумиттифоқ ҳисоб китобини юритиш.

— Ёқилғи-энергетика ресурслари соҳасида ягона сиёсат ва мувозанатни ишлаб чиқиш, мамлакатнинг энергетика тизимини, магистрал газ-нефть қувурларини, Умумиттифоқ темир йўлини, осмон ва денгиз транспортини бошқариш; табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ветеринария, эпизоотия ва ўсимликлар карантини асосларини белгилаб бериш; республикаларо аҳамиятга молик бўлган сув хўжалигини ва ресурсларни бошқариш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб туриш.

— Иш билан таъминлаш, аҳолининг кўчиб юриши, меҳнат шароити, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминот ва суғурта, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт масалаларига оид ижтимоий сиёсат асосларини белгилаб бериш; жумладан фуқаролар бир республикадан иккинчисига кўчиб борганида пенсия таъминоти ва бошқа ижтимоий кафолатларни сақлаш асосларини белгилаш; даромадларни индекслаш ва кафолатланган тирикчилик минимуми ягона тартибини белгилаш.

— Таг-заминли илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва фан-техника тараққиётини рағбатлантириш, илмий ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишнинг умумий қоидалари ҳамда мезонларини белгилаш; даволаш воситалари ва усулларидан фойдаланишнинг умумий тартибини аниқлаб қўйиш; миллий маданиятларни ривожлантиришга ва ўзаро бойитишга кўмаклашиш; оз сонли халқларнинг азалий яшаш муҳитини сақлаб қолиш, уларнинг иқтисодий ва маданий равнақи учун шароит яратиш.

— Иттифоқ Конституциясига ва қонунларига, Президентнинг Фармонларига, Иттифоқ ваколати доирасида қабул этилган қарорларга риоя этилишини назорат қилиш; Умумиттифоқ криминалистика ҳисобот-ахборот тизимини вужудга келтириш; бир неча республика ҳудудида содир этилган жиноятларга қарши курашни уюштириш; ахлоқ тузатиш муассасаларини ташкил қилишнинг ягона тартибини белгилаб қўйиш.

7-модда. **Иттифоқ давлат идораларининг ваколатларини ҳамда Иттифоқ ва республикалар давлат идораларининг биргаликдаги ваколатларини амалга ошириш тартиби**

Биргаликдаги ваколат доирасига киритилган масалалар Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатларнинг ҳокимият ҳамда бошқарув идоралари томонидан келишиб олиш, махсус битимлар тузиш, Иттифоқ ва республикаларнинг қонун асосларини ҳамда шу асосларга мувофиқ республикаларнинг қонунларини қабул этиш йўли билан ҳал қилинади. Иттифоқ идораларининг ваколат доирасига киритилган масалалар улар томонидан бевосита ҳал этилади.

5- ва 6-моддаларда фақат Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идораларининг ихтиёрида ёки Иттифоқ билан республикалар идораларининг биргаликдаги ваколати соҳасига бевосита киритилмаган ваколатлар республикалар ихтиёрида қолади ҳамда улар томонидан мустақил равишда ёки ўз ўрталаридаги икки томонлама ва кўп томонлама битимлар асосида ҳал этилади. Шартнома имзоланганидан кейин Иттифоқ ва республикалар бошқарув идораларининг ваколатлари тегишли равишда ўзгартирилади.

Шартнома қатнашчилари Умумиттифоқ бозори қарор топа борган сайин иқтисодиётни давлат йўли билан бевосита бошқариш соҳаси қисқарта боришига асосланадилар. Бошқарув идоралари ваколатларининг ҳажмини зарур тарзда қайта тақсимлаш ёки ўзгартириш Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Иттифоқ идораларининг ваколатларини амалга ошириш ёки Иттифоқ билан республикалар идоралари қўшма ваколатлари соҳасидаги ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ва мажбуриятларни ижро этиш масалалари хусусидаги баҳслар келиштирув тартиб қоидалари воситаси билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низолар Иттифоқ конституциявий судининг муҳокамасига топширилади.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар Иттифоқ идораларининг ваколатларини рўёбга чиқаришда шу идоларни биргаликда тузиш, шунингдек қарорларни келишиб олиш ва уларни ижро этиш махсус тартиб-қоидаси воситаси орқали қатнашадилар.

Ҳар бир республика Иттифоқ билан шартнома тузиш орқали ўзининг айрим ваколатларини амалга оширишни унга қўшимча равишда топшириши, Иттифоқ эса барча республикаларнинг розилиги билан ўз ваколатларидан айримларини бир ёки бир неча республика ҳудудида амалга оширишни уларга топшириши мумкин.

8-модда. **Мулкчилик**

Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатлар мулкчиликнинг барча шакллари эркин ривожланишини, улар ҳимоя этилишини таъминлайдилар ҳамда ягона Умумиттифоқ бозори доирасида корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларининг ишлаши учун шароит яратадилар.

Ер, ер ости бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси республикаларнинг мулки бўлиб, улар халқларининг дахлсиз бисотидир. Уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тартиби (мулкчилик ҳуқуқи) республикаларнинг қонунларида белгиланади. Бир неча республика ҳудудида жойлашган ресурсларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи Иттифоқ қонунларида белгиланади.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идоралари зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш учун зарур бўлган давлат мулки объектларини Иттифоққа топширадилар.

Иттифоқ мулки бўлган молмулкдан уни ташкил этган давлатларнинг муштарак манфаатлари йўлида, шу жумладан орқада қолган минтақаларни жадал ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланилади.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ушбу шартнома тузилган пайтда мавжуд бўлган Иттифоқ олтин заҳирасидаги, олмос ва валюта жамғармаларидаги ўз улушига ҳақлидирлар. Хазиналарни янада кўпайтиришда ва улардан фойдаланишда мазкур давлатларнинг иштироки алоҳида битимларда белгиланади.

9-модда. **Иттифоқ солиқлари ва йиғимлари**

Иттифоқ бюджетининг Иттифоққа топширилган ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни пул билан таъминлаш учун Иттифоқ тақдим этган харажатлар моддалари асосида республикалар билан келишиб белгиланган ва аниқлаб қўйилган музд ставкаларидаги ягона Иттифоқ солиқлари ва йиғимлари белгиланади. Иттифоқ бюджети харажатларини шартнома қатнашчилари назорат қиладилар.

Умумиттифоқ дастурлари манфаатдор республикаларнинг улуш тарзидаги аҳратмалари ва Иттифоқ бюджети ҳисобидан пул билан таъминланади. Умумиттифоқ дастурларининг ҳажми ва мақсади Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги битимлар орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши эътиборга олиб тартибга солинади.

10-модда. **Иттифоқ Конституцияси**

Иттифоқ Конституцияси ушбу шартномага асосланади ва унга зид бўлмаслиги керак.

11-модда. **Қонунлар**

Иттифоқ қонунлари, уни ташкил этувчи давлатларнинг Конституциялари ва қонунлари ушбу шартноманинг қоидаларига зид бўлмаслиги керак.

Иттифоқ ихтиёридаги масалаларга доир Иттифоқ қонунлари республикалар ҳудудида устунликка эга бўлади ва ижро этиш учун мажбурийдир.

Иттифоқ ихтиёрига топширилган масалалардан ташқари барча масалаларга оид республика қонунлари унинг ҳудудида устунликка эга бўлади.

Башарти Иттифоқ қонуни ушбу шартномани бузса, республиканинг ўз ваколатлари доирасида қабул этган Конституциясига ёки қонунларига зид бўлса, республика ўз ҳудудида Иттифоқ қонунининг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ва унинг юзасидан норозилик билдиришга ҳақлидир.

Иттифоқ Конституциясига ёки ўз ваколатлари доирасида қабул этган қонунларига зид бўлса, унинг юзасидан Иттифоқ норозилик билдиришга ва унинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

Низолар Иттифоқ конституциявий судига топширилади, мазкур суд бир ой давомида узил-кесил қарор қабул қилади.

III.

ИТТИФОҚ ИДОРАЛАРИ

12-модда. **Иттифоқ идораларининг тузилиши**

Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идоралари халқларнинг эркин хоҳиш-ирода билдириши асосида ва Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг вакиллари иштирокида тузилади. Улар ушбу шартноманинг қоидаларига ва Иттифоқ Конституциясига қатъий мувофиқ равишда иш кўрадилар.

13-модда. **ССР Иттифоқи Олий Кенгаши**

Иттифоқнинг қонун чиқарувчилик ҳокимиятини ССР Иттифоқининг Олий Кенгаши амалга оширади, у икки палатадан — Республикалар Кенгаши ва Иттифоқ Кенгашидан иборат бўлади.

Республикалар Кенгаши Олий ҳокимият органлари юборган вакиллардан иборат бўлади. Республикалар Кенгашида республикаларнинг ва миллий-ҳудудий тузилмаларнинг депутатлик ўринлари шартнома имзоланган пайтда СССР Олий Кенгашининг Миллатлар Кенгашида улар эга бўлган ўринлардан кам бўлмайди.

Шу палатанинг Иттифоқ таркибига бевосита кирувчи республикалардан барча депутатлари масалаларни ҳал этишда битта умумий овозга эга бўлади. Вакилларни сайлаш тартиби ва уларнинг нормалари республикаларнинг махсус битимида ва ССР Иттифоқининг сайлов қонунида белгилаб берилади.

Иттифоқ Кенгаши бутун мамлакат аҳолиси томонидан тенг сонли сайловчилар бўлган сайлов округлари бўйича сайланади. Бунда Иттифоқ Кенгашида шартномада қатнашувчи барча республикаларнинг вакиллари бўлиши кафолатланади.

Иттифоқ Олий Кенгашининг палаталари СССР Конституциясига биргаликда ўзгартишлар киритади; СССР таркибига янги давлатларни қабул қилади; Иттифоқнинг ички ва ташқи сиёсати асосларини белгилайди; Иттифоқ бюджетини ва унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлайди; уруш эълон қилади ва сулҳ тузади; Иттифоқ чегараларининг ўзгаришини тасдиқлайди.

Республикалар Кенгаши Иттифоқ идораларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби тўғрисида қонунлар қабул қилади; республикалар ўртасидаги муносабатлар масалаларини кўриб чиқади; ССР Иттифоқининг халқаро шартномаларини ратификация қилади; ССР Иттифоқининг Вазирлар Маҳкамаси тайинланишига розилик беради.

Иттифоқ Кенгаши СССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалаларини кўриб чиқади ҳамда Республикалар Кенгашининг ваколатига топширилган масалалардан бошқа барча масалалар юзасидан қонунлар қабул қилади.

Иттифоқ Кенгаши қабул қилган қонунлар Республикалар Кенгаши томонидан маъқулланганидан кейин кучга киради.

14-модда. **Мустақил Совет Республикалари Иттифоқининг Президенти**

Иттифоқ Президенти — Иттифоқ давлатининг бошлиғи бўлиб, у олий ижроия-бошқарув ҳокимиятига эгадир.

Иттифоқ Президенти Иттифоқ Шартномасига, Иттифоқ Конституцияси ва Қонунларига риоя этилиши кафили бўлади; Иттифоқ Қуролли Кучларининг Бош қўмондони; чет эллар билан муносабатларда Иттифоқ номидан иш қилади; Иттифоқнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади.

Президент Иттифоқ фуқаролари томонидан ялпи, тенг ва тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга ва кўпи билан сурункасига икки муҳлатга сайланади. Умуман Иттифоқда ва уни ташкил этувчи давлатларнинг кўпчилигида овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзод сайланган ҳисобланади.

15-модда. **ССР Иттифоқининг Вице-президенти**

ССР Иттифоқининг Вице-президенти ССР Иттифоқининг Президенти билан бирга сайланади. Иттифоқ Вице-президенти Иттифоқ Президентининг ваколати билан унинг айрим вазифаларини бажаради ҳамда СССР Президенти бўлмаган вақтда ва у ўз вазифаларини бажариш имконияти бўлмаганида унинг ўрнини босади.

16-модда. **ССР Иттифоқи Вазирлар Маҳкамаси**

Иттифоқ Вазирлар Маҳкамаси Иттифоқ ижроия ҳокимияти идораси бўлиб, Иттифоқ Президентига бўйсунади ва Олий Кенгаш олдида жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамаси Иттифоқ Президенти томонидан Иттифоқ Олий Кенгашининг Республикалар Кенгаши билан келишиб тузилади.

Иттифоқ Вазирлар Маҳкамасининг ишида республикалар ҳукуматларининг бошлиқлари ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан қатнашадилар.

17-модда. **ССР Иттифоқи Конституциявий суди**

ССР Иттифоқи Конституциявий суди СССР Президенти ва СССР Олий Кенгаши палаталаридан ҳар бири томонидан тенг негизларда тузилади.

Иттифоқ Конституциявий суди Иттифоқ ва республикаларнинг Қонун ҳужжатлари, Иттифоқ Президентининг ва республикалар президентларининг Фармонлари, Иттифоқ Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари Иттифоқ Шартномасига ва Иттифоқ Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади, шунингдек Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги, республикалар ўртасидаги низоларни ҳал этади.

18-модда. **Иттифоқ (федерал) судлари**

Мустақил Совет Республикалари Иттифоқининг Олий суди, Иттифоқ Олий ҳакамлик суди, Иттифоқ Қуролли Кучларидаги судлар — Иттифоқ (федерал) судларидир.

Иттифоқ Олий суди ва Иттифоқ Олий ҳакамлик суди Иттифоқ ваколатлари доирасида судлов ҳокимиятини амалга оширади. Республикалар олий суд, ҳакамлик идораларининг раислари лавозимларига кўра тегишли равишда Иттифоқ Олий суди ва Иттифоқ Олий ҳакамлик суди таркибига кирадилар.

19-модда. **ССР Иттифоқи прокуратураси**

Иттифоқ Бош прокурори республикаларнинг бош прокурорлари (прокурорлари) ва уларга бўйсунувчи прокурорлар Иттифоқнинг Қонун ҳужжатлари ижро этилишини назорат қиладилар.

Иттифоқ Бош прокурори Иттифоқ Олий Кенгаши томонидан тайинланади ва унга ҳисоб беради.

Республикаларнинг бош прокурорлари (прокурорлари) уларнинг қонун чиқарувчи Олий идоралари томонидан тайинланади ва лавозимларига кўра Иттифоқ прокуратураси ҳайъати таркибига киради. Улар Иттифоқ Қонунларининг ижро этилишини назорат қилиш соҳасидаги фаолиятида ўз давлатларининг қонун чиқарувчи Олий идораларига ҳам, шунингдек Иттифоқ Бош прокурорига ҳам ҳисоб берадилар.

IV.

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

20-модда. **ССР Иттифоқидаги миллатлараро алоқа тили**

Республикалар ўз давлат тили (тиллари)ни мустақил равишда белгилайдилар. Шартнома қатнашчилари рус тилини ССР Иттифоқидаги миллатлараро алоқа тили, деб тан оладилар.

21-модда. **Иттифоқ пойтахти**

ССР Иттифоқининг пойтахти — Москва шаҳридир.

22-модда. **Иттифоқнинг давлат рамзлари**

ССР Иттифоқи давлат гербига, байроғига ва мадҳиясига эга бўлади.

23-модда. **Шартноманинг кучга кириши**

Ушбу шартнома Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар Олий давлат ҳокимият идоралари томонидан маъқулланади ва уларнинг мухтор делегациялари имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

Уни имзолаган давлатлар учун ўша кундан эътиборан ССР Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги 1922 йил шартномаси кучини йўқотди, деб ҳисобланади.

Шартнома кучга кириши билан уни имзолаган давлатлар учун энг кўп қулайлик тартиби амал қила бошлайди.

Мустақил Совет Республикалари Иттифоқи билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибига кирувчи, аммо ушбу шартноманы имзоламаган республикалар ўртасидаги муносабатлар ССР Иттифоқи қонунлари, ўзаро мажбуриятлар ва битимлар асосида тартибга солиниши лозим.

24-модда. **Шартнома бўйича масъулият**

Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатлар қабул этилган мажбуриятларнинг бажарилиши учун ўзаро масъул бўладилар ва ушбу шартномани бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар.

25-модда. **Шартномани ўзгартириш ва тўлдириш тартиби**

Ушбу шартнома ёки унинг айрим қоидалари Иттифоқни ташкил этувчи барча давлатларнинг розилиги билангина бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

Заруратга қараб, шартномани имзолаган давлатлар ўртасидаги келишувга мувофиқ унга иловалар қабул этилиши мумкин.

26-модда. **Иттифоқ олий идораларининг давомийлиги**

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда узилиш бўлмаслиги учун Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий қонун чиқарувчи, ижроия ва судлов идоралари ушбу шартномага ва СССРнинг янги Конституциясига мувофиқ Мустақил Совет Республикалари Иттифоқининг Олий давлат идоралари тузилгунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қоладилар.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ларда ишлашга қайтиб келишгандан кейин уларга 500 сўм миқдорида бериладиган нафақалар, корхоналарда 15 йил ишлаганларга стажнинг ҳар бир йили учун 50—100 сўмдан ҳар йилги тўловлар, 3 ёшгача бўлган болаларни тарбияловчи аёлларга ҳар ойда бериладиган қўшимча 50 сўмлик нафақалар, камбағал оилаларга бир йўла бериладиган ёрдам, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ва корхоналар фахрийларининг, пенсионерларнинг пенсияларига қўшимча ҳақ, мазкур тоифадаги кишиларга ва уларнинг оилаларига санаторийлар, дам олиш уйлари ҳамда профилакторийларга бепул йўлланмалар бериш шулар жумласидандир.

Якка тартибда уй-жой қурилиши, ёш оилаларнинг уйрўзғорларини бут қилишлари ва шахсий уйларни сотиб олишлари учун имтиёзли ва фоизсиз қарз ҳам берилмоқда.

Кўпгина корхоналарда иш стажидан қатъи назар, меҳнат отпускалари беришда имтиёзли тартиб жорий этилган, шунга мувофиқ 5 йилдан кўпроқ ишлаган кишиларга қўшимча ҳақ тўланадиган 5 кун, 20 йилдан кўпроқ ишлаганларга 6 кун, аёлларга — 14 кун асосий отпускага қўшиб берилади. 1990 йилнинг ўзидагина мазкур тўловларга салкам 400 минг сўм сарфланди. Чакана нархлар ислоҳ қилинганлиги муносабати билан корхоналар 1 апрелдан бошлаб асосий компенсация билан бир қаторда тушлик учун 70 тийиндан 1,5 сўмгача қўшимча ҳақ тўламоқдалар. Шу йилнинг охиригача ишловчи 1 киши учун тўланадиган компенсациялар миқдори ойига 110 сўмгача кўпаяди.

Уй-жой муаммолари концерн партия ташкилотларининг фаол иштирокида ҳал қилинмоқда. Ўтган ва шу йил мобайнида уй-жой қурилишида пайчилик асосида қатнашиш учун 1,2 миллион сўм пул ажратилди, 162 ходим якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкалари олди, 41 оилага корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан сотиб олинган хусусий уйлар берилди. Кейинги икки йил ичида 248 оила ўз турар жой шароитини яхшилаб олди, Алимкент, Солдатская, Янгибозор ва Бўка корхоналарида уй-жой муаммоси кун тартибидан чиқарилган.

Шуни қайд этиш керакки, коммунистлар, партия ташкилотлари ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этиш чоғида меҳнат жамоаларининг кенгашлари, касаба уюшмалари ва комсомол органлари билан доимо баҳамжиҳат ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг натижасида концерн жамоаларида тегишлича маиший турмуш шароитлари вужудга келтирилган, ривожланган соғломлаштириш муассасалари тармоғи мавжуд. Корхонада овқатланиш пункти ишлаб турибди, нормативларга мувофиқ ходимлар душхона ва кийим ечадиган хоналар билан таъминланди, амалда барча хўжаликларда хотин-қизлар гигиенаси, ҳордиқ чиқариш ва руҳий тетикланиш хоналарнинг ҳаммасида тиббиёт хоналари мавжуд, 3 та корхонада муолажа хонаси, физиотерапия ва стоматология хоналари ишлаб турибди. Бекобод автомобиль корхонаси негизида ташкил қилинган «Ҳавотоғ» профилакторийсида ҳар йили концернинг 300 нафар ходими дам олиб даволанмоқда. 340 сўмлик йўлланмалар 70—100 фоиз компенсация билан сотилмоқда. Еттита корхона Оқтошда, Тошкент денгизи ва Сирдарё соҳилларида дам олиш зоналарига эга. Мактабгача тарбия болалар муассасалари билан таъминлаш масалалари ҳал қилинган. Пионер лагерларига 360 сўм турдаги йўлланмалар бепул берилмоқда.

Партия ташкилотлари ўткир ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдан бўйин товламаяптилар, бу масалалар тезлик билан ҳал қилинишига кўмаклашмоқдалар. Масалан, Бекобод автотранспорт корхонасининг партия ташкилоти шу йил январда бўлиб ўтган ўз йиғилишида бозор иқтисоди шароитида коммунистларнинг вазифаларини белгилади, бу эса буюртмачилар (Бекобод руда материаллар заводи, Бекобод цемент комбинати) билан қалин алоқа боғлаш, улар билан шартномаларни қайтадан кўриб чиқиш ва шу асосда кўп юк ташиладиган автомобиллар ҳайдовчиларининг иш ҳақини ошириш имконини берди.

Олмалиқдаги 80-автотранспорт корхонаси партия ташкилотининг худди шундай ишлари овқатланиш учун қўшимча ҳақ, пенсионерларга, кўп болали ходимларга нафақалар тўлаш, ишламайдиган пенсионерларга 120 сўмгача қўшимча пул тўлаш масалаларини ҳал қилишга имкон яратди.

Концерн партия ташкилотлари жамоадаги ўз таъсирини кадрлар билан доимий иш олиб бориб мустаҳкамламоқдалар. Маъмурият ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда кадрлар резерви вужудга келтирилган

Партия ташкилотлари ишчилар муҳитидаги кайфиятни муттасил ўрганмоқдалар, улар маънавий қадриятлар билан бойишларига, миллий анъаналар ва урф-одатларни ривожлантиришларига; байналмилалчилик ҳис-туйғуларини шакллантиришларига, экстремист ва миллатчи ташкилотларнинг ишловчиларни ўз манфаатлари доирасига тортиш йўлидаги уринишларига қарши ҳаракат қилишларига кўмаклашмоқдалар. Партия бюроларининг таклифига кўра концерн бўлинмаларида «Наврўз» байрами тикланди. Айрим автокорхоналарда шу байрам билан бир вақтда жамоанинг ижтимоий турмушидаги тантанали тадбирлар ҳам ўтказилди. Масалан, Ангрендаги 72-автокорхонада байрам куни партияга қабул қилинган беш нафар ходимга тантанали вазиятда партия билетлари топширилди.

Концерн раҳбарларининг, партия фаолларининг, ҳудудий партия ва совет идоралари вакилларининг иштироки билан бевосита меҳнат жамоаларида ўтказилаётган жамоатчилик асосидаги қабуллар маънавий-руҳий муҳитни нормаллаштиришда ижобий аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу бўлиб, у бозор шароитида бошқарув усулларини эгал лаш-га қодирдир. Ҳозирги раҳбарлик бўғинида ёшлар анча кўпайди. Масалан, автокорхоналарнинг 34 нафар раҳбаридан 50 фоизи 40 ёшгача бўлган кишилардир. Концерннинг шаҳардаги олий ўқув юртлари билан қалин алоқаси йўлга қўйилган. Ҳозирги вақтда барча автокорхоналар ўз ходимларини олий ўқув юртларида ўқитиш йўлидан бормоқдалар, бу эса кадрларни муқим жойлаштириш, қўнимсизликни камайтириш имконини беради. Концерн раҳбарлари ва мутахассислари ЎзССР Автомобиль транспорти министрлигининг малака ошириш бош институтида ўз малакасини мунтазам суратда ошириб турадилар. Хўжалик директорларидан бир гуруҳи «Кичик бизнес — иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатлар» дастури бўйича Москвада махсус курслардан ўтди, «Бозор шароитида автомобиль транспортининг иши» масалалари бўйича Клайпеда шаҳрида ўтказилган семинарда қатнашди.

йилнинг олти ойи мобайнида концернинг саккизта автокорхонасида жамоатчилик асосидаги қабуллар ўтказилди. Масалан Алимкент, Ангрен, Бўка автокорхоналарида ўтказилган қабул вақтида 10 нафардан 50 нафаргача ходим мурожаат қилди.

Меҳнат жамоаларидаги маънавий-руҳий вазиятни, ходимларнинг меҳнатни ташкил этишга, бозор муносабатлари шароитида уларни ижтимоий муҳофаза этиш юзасидан кўриладиган чора тадбирларга муносабатини ўрганиш мақсадида концерн бошланғич партия ташкилотлари секретарлари кенгашининг таклифига биноан шу йилнинг май ойида социологик тадқиқотлар ўтказилди. Савол-жавоблар шуни кўрсатдики, умуман меҳнат жамоаларидаги вазият барқарор, ишловчиларнинг 84 фоизи меҳнат шароитларидан мамнун ва самарали ишлаш учун бу шароитларни етарли деб ҳисоблайди.

Шуни айтиш керакки, концерн бўлинмаларига хўжалик фаолиятида мустақиллик берилганлиги, меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришда ижодий эркинлик, шунингдек кейинги йилларда концерн барқарор ишлаётганлиги туфайли концерн ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш мумкин бўлди. Масалан, ўтган йил ва шу йилнинг олти ойи мобайнида барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланди, автомобиль хўжаликларининг ҳаммаси шартнома мажбуриятларини бажарди. 1990 йилда 8 миллион сўм миқдорида планга қўшимча фойда олинди, шу йилнинг биринчи ярмида иқтисодий рағбатлантириш фондлари 1989 йилга нисбатан 2,5 баравар кўпайиб, 13 миллион сўмдан ошиб кетди. Ўтган йили ишловчиларнинг маоши 19 фоиз кўпайиб, 268 сўмни ташкил этди. Шу йилнинг 6 ойи якунларига кўра, у 313 сўмни ташкил этди. бунда иш ҳақининг ўсиш суръатлари меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатидан пастқадир.

Партия ташкилотлари, коммунист раҳбарлар олиб бораётган ишлар концернинг меҳнат жамоаларида кенг қўллаб-қувватланмоқда. Буни партия сафларининг ўсиб бораётганлиги тасдиқламоқда. Шу йилнинг ўзидагина янги аъзоларни қабул қилиш ҳисобига партия ташкилотларидаги коммунистлар сони 19 нафар кўпайди, яна 8 та ариза кўриб чиқилмоқда.

Шу билан бирга концерн партия ташкилотлари ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларга ҳали тўлиқ даражада ўз таъсирини ўтказаётганлари йўқ.

Концернда ҳаракат составини янгилаш масаласи қониқарсиз ҳал қилинмоқда — автомобилларнинг 53 фоизи обдон эскириб бўлган. Автокорхоналарнинг катта кўпчилигида эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ниҳоятда тақчиллиги сезилмоқда, ремонт ишлари ва ёрдамчи ишларни механизациялаш даражаси етарли эмас.

Тижорат фаолиятини, шу жумладан мавжуд ишлаб чиқариш негизи асосида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга етарлича эътибор берилмаяпти.

Автокорхоналарнинг партия ташкилотлари, коммунист раҳбарлари якка тартибда уй-жой қурилиши учун ва боғдорчилик-полизчилик ширкатлари учун ер участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги масалаларни халқ депутатлари кенгашларининг ижроия комитетлари олдига етарлича қатъий қилиб қўймаяптилар. Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ районларида бу масалаларни ҳал қилиш чўзиб юборилмоқда. Чирчиқ, Янгийўл ва Ангрен шаҳар ижроия комитетлари қурилишда пайчилик асосида қатнашиш ҳисобидан концерн автокорхоналарига уй-жой ажратиб беришда қарздордирлар. Концерн корхоналарида ишлаётган маҳаллий кенгашларнинг коммунист депутатлари шу масалаларни ҳал қилишга камдан-кам жалб этиладилар.

Ходимларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда область колхозлари ва совхозлари билан алоқа боғлаймаган. 12 та автокорхонадан атиги тўрттасида ёрдамчи хўжалик бўлиб, шулардан фақат биттасига (Бўстонлиқдаги) 43 гектар ер майдонлари ажратиб берилган.

«Ташоблюктранс» концернининг партия ташкилоти, коммунист раҳбарлари меҳнатни ташкил этиш шаклларини бундан буён ҳам такомиллаштиришлари, мулкчиликнинг янги шаклларига ўтишлари, жамоа асосий маблағларга эга бўлиши ва ҳар бир ҳайдовчи унга шерик бўлиб қолиши учун ҳаракат қилишлари зарур.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

● ТЎРТИНЧИ САҲИФАГА ҚАРАНГ.

ҚЎШНИ ЖУМҲУРИЯТЛАРДА

● «ТуркменНИПИнефть» илмгоҳининг олимлари табиий хом ашёдаги сувни чиқариб ташлашнинг тежамли ва юқори самарали усулини таклиф этдилар. Қудуқлардан келаётган сув ва нефть аралашмаси мустаҳкам эмульсия ҳосил қилади, уни парчалаш учун анча харажат, кимёвий моддалар талаб қилинади. Турли электр майдонлари асос қилиб олинган янги қурилма харажатларни камайтирибгина қолмай нефтни тозалаш сифатини оширади ҳам.

● Каспий паст текислигининг космосдан олинган сурати Қозоғистон геологларига кристалсимон тузнинг 1200 дан ортиқ конини топиш имконини берди. Геологлар бундай туз конларига алоҳида қизиқиш билан қарайдилар. Ер ости конлари баъзан нефть ва табиий газ қатламлари билан боғлиқ бўлади. Каспий бўйида ҳозир ана шундай конлар саноат йўли билан ўзлаштирилмоқда. Бундан ташқари туз конлари калий, магний, йод, нодир элементларнинг хазинаси экан.

● Семипалатинск ядро полигони теварагидаги вазиятга хотима берилди: барча маҳаллий рўзномалар Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотини босиб чиқарди. Унда республика коммунистлари «Полигон сўзсиз ёпилиши ҳамда ундан фақат илм-фан ва тинчлик мақсадларида фойдаланиши тарафдори» эканликлари айтилади. Қозоғистон коммунистларининг тутган йўли шундай: «Семипалатинск вилоятининг, Павлодар ва Қарағанда вилоятлари полигонига туташ ҳудудларининг аҳолиси 40 йил давом этган вайронгарчилик тажрибалари эвазига давлат томонидан ҳеч сўзсиз тўла қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эгадир».

● Туркманистон ва Тожикистон Президентлари мазкур жумҳуриятларнинг давлатлараро муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ҳужжатда сиёсат, иқтисоднёт, маданият, экология, инсонпарварлик ҳамда ижтимоий-сиёсий турмушнинг бошқа соҳаларида қатъиян тенг ҳуқуқли асосда ўзаро манфаатли ҳамкорлик назарда тутилади.

● Қирғизистон жумҳурияти пойтахтида 1916 йилда чоризмга қарши қўзғолон қурбонлари хотирасига бағишланган мотам митинги бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан кишилар жумҳурият кўп миллатли аҳолисини бирликка чақирдилар 1916 йил қўзғолони қурбонлари хотирасига бағишланган тадбирлар русларга қарши, миллатчилик руҳида дейиш учун ҳеч қандай асос йўқ, чунки чоризм жиноятлари замондошларимизга мутлақо алоқадор эмас.

(ТАСС — ЎзТАГ — ТожикТА — КирТАГ хабарларидан).

● Тошкент. «Учқун» фабрикасининг йигирув цехи жамоаси топшириқларни сифатли бажариб ҳамкасбларига намуна бўлишаётир. Жамоатчи сураткаш Р. ШАРИПОВ олган бу лавҳада меҳнат пешқадамлари Сайёра Сотимбоева (ўнгда) ва меҳнат фахрийси Раиса Муслимова тасвирланган.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ МУАММОЛАРИ

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон деҳқонлар уюшмаси раёсати билан жумҳурият колхозлар кенгашининг қўшма кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони қандай бажарилаётганини кўриб чиқдилар.

Жумҳурият қишлоқ аҳолисини иш билан тўла таъминлаш, колхозлар ва совхозларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ташкил этиш, Қашқадарё вилояти меҳнаткашларига меҳнат ва дам олишда яхши шарт-шароит яратишга доир тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Фармон ва ижро

МУЗ ҚАЧОН КЎЧАДИ?

Ўзбекистон ССР Президентининг ҳар бир оилани уй-жой, томорқа участкаси билан таъминлаш ҳақидаги Фармони жойларда қандай бажарилмоқда?

Зомин районидаги «Зомин» давлат хўжалигининг Баймоқли участкасида қарийб 200 оила томорқа ололмай ҳамон сарсон. Давлат хўжалигида суғориладиган, ғалла экиладиган унумдор ерлар кўп. Хўжалик раҳбарлари шу йил эрта кўкламда Сергели қишлоғи аҳолисини томорқа билан таъминлаймиз-ю шу қишлоққа қўшни, ёндош Баймоқли қишлоғи аҳолисининг «қонуний ҳуқуқи»ни ёддан чиқаришди.

Қишлоқдаги бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар, зиёлилар, Қаҳрамон оналар шу йил июль ойининг бошида бу ҳақда Зомин район ижроия қўмитаси раиси Эсон Қаршибоевга шикоят билан мурожаат қилишганди. Хўш, шундан кейин аҳвол ўзгаргандир, деб ўйларсиз? Минг афсуски, йўқ. «Зомин» давлат хўжалиги директори Янгибой Ўсаров, бош агрономи Турсунқул Жабборов раймин шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи раиси Ўрол Тошбеков ва райижрокомга хат билан мурожаат қилган меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар олдида «ҳамма шароитни яратиб берамиз, икки уч кунда қишлоқ аҳолисини томорқа билан таъминлаймиз» деб қоп-қоп ваъдаларни беришди-ю, аммо берган ваъдаларини тезда унутишди.

Шу йил 26 апрелда жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг кенгашида Жиззах вилояти районларида аҳолига томорқа тарқатиш қониқарсиз эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилганди. Аммо орадан шунча вақт ўтган бўлсада, «Зомин» давлат хўжалигида фармон бажарилмаяпти. Ушбу долзарб масала юзасидан Зомин район партия қўмитасининг биринчи котиби, ноҳия Кенгаши раиси Қаҳҳор Ортиқмуродов шу йил апрель ойи охирида райондаги давлат хўжаликлари раҳбарларига аҳолига томорқа тарқатишни юз фоиз ҳал қилиш лозимлиги ва бу масала вилоят ижроия қўмитаси Кенгашида кўрилаётганлиги ҳақида эслатма хати юборди. Шундан кейин томорқа тарқатиш масаласи вилоят ижроия қўмитаси Кенгашида кўриб, ўрганиб чиқилди. Лекин «Зомин» давлат хўжалиги раҳбарлари бундан тўғри хулоса чиқариб олмадилар.

Эндиликда Баймоқли қишлоғи аҳолиси давлат хўжалиги раҳбарларининг ёлғон ваъдаларига ишонмай, томорқа олишдан умидларини узиб қўйдилар. Хўш, «Зомин» давлат хўжалигида муз қачон кўчади, Фармонни бажариш йўлида қўйилган «хитой девори» қачон олиб ташланади. Бунга яна неча ой фурсат керак?.

Б. БЕКМУРОДОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

● ҲАМКАСБИМИЗ ИЖОДИДАН

«Совет Ўзбекистони» рўзномасининг Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири, журналист Нусратилла НАИМОВ «Ўртоқ Файзулла» деб аталган ҳужжатли қиссасини ёзиб тугатди. Унинг диққатга молик томони шундаки, муаллиф жумҳурият, Иттифоқ илмий даргоҳларида, кутубхоналарда кўпдан-кўп архивларда бўлиб, улуғ шахсни таниган, билган, кўрган кишилар билан суҳбатлашиб, Файзулла Хўжаевнинг ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳаётига тааллуқли, қизиқарли воқеа, далил ва суратларни кашф этган.

Қуйида шу асардан парча ўқийсиз.

«АЖДАҲО» ДАСТАЛИ ОЛТИН ҚИЛИЧ

— Қани, олинглар Тула кулчасидан!

— Ҳамёнида олтин тангалар жарақлаганлар буёққа келсин! Сувсар телпак билан тулки мўйнасидан тикилган пўстинга марҳамат! Қани, Сибирь мўйна дўконига...

Убайдуллахўжа тумонат одам тиқилинчида ўғлининг қўлидан маҳкам ушлаганча савдо расталари бўйлаб борарди. Улар бир неча соатки Нижегород ярмаркасининг канал бўйлаб тизилган дўконларини айланишарди. Убайдуллахўжанинг одати шу. Ҳар гал ярмаркага келганида олдин бозорни кўриб, савдонинг чаққонлигини, нарх-навони чамалайди.

Ёш Файзулла бунчалик одамнинг бир жойда тўпланиб, бақириб-чақиришини кўрмаган эди. Ёғоч пештахталарга терилган анвойи нарсалардан кўзи тиниб кетди. Ўғлининг анча толиқиб қолганини сезган ота уни кутилмаган совға билан қувонтириб, чарчоғини чиқармоқчи бўлди. Шу мақсадда у Файзуллани катта меҳмонхона ёнгинасидаги олтин ва кумуш буюмлар растасига бошлади.

— Қани, Файзуллахўжа, ўғлим, бугун сиз учун байрам, кўнглингиз истаган нарсани харид қилишингиз мумкин, — деди уни кавказлик машҳур заргарлар дўконига олиб кирар экан.

Убайдуллахўжа ўғли ойнабанд пештахтада териб қўйилган ранг-баранг соатлардан бирини танлайди, деб ўйлаганди. Бироқ Файзулла узун мўйловли дўкондорнинг орқа тарафидаги гиламга осиғлиқ тиғи ёйдек, дастаси эса аждаҳо шаклида ясалиб, икки дона нилий фируза қадалган олтин қиличдан кўзларини уза олмади. Унинг ҳайрат тўла нигоҳидаги илтижони кўриб Убайдуллахўжа ийиб кетди. Ўғли ёқтирган буюмни харид қилишга тўғри келди. Ахир улар мусофирчиликда бугун Файзулланинг ўн уч ёшини нишонлашмоқда. Бундай кунда эса ўсмирнинг раъйини қайтариб бўлмайди-да.

Убайдуллахўжа тамадди қилиш баҳонасида ўғлини шу яқиндаги «Рус самовари» деб номланган мазали таомлари билан шуҳрат таратган трактир (емакхона)га бошлади. У иштаҳа билан овқатланиб, иссиқ чойнинг хуморидан чиққач, ўғлидан нега қилич сотиб олишни ихтиёр қилганини суриштирди.

— Мени йигит ёшига етдинг, деб сафарга илк бор бирга олиб чиқдингиз, отажон, — деди Файзулла уялинқираб. — Камарида қиличи бўлмаган киши қандоқ йигит бўлур!

— Мана, менинг белимда қилич йўқ-ку, — ажабланган бўлди Убайдуллахўжа.

— Сиз йигит ёшидан ўтиб кетгансиз! — ҳозиржавоблик қилди Файзулла.

Убайдуллахўжа ҳийла пайтгача маза қилиб кулди. Кейин жиддийлашган оҳангда деди:

— Етти пуштимиз савдогар ўтган, ўғлим, савдогар йигитга эса олтин қиличмас, олтин тўла ҳамён ярашур! Қай ерга қилич тақиб борилса у ерда савдо эмас, уруш қўзғалур!

Файзулла бу сўзларга изза бўлган ҳолда ерга тикилганча қулоқ солди. Орага жимлик чўкди.

Убайдуллахўжа ўғлига чин гапни айтган эди. Ҳақиқатан ҳам бухоролик бу сулола корчалонлиги билан шуҳрат қозонганди. Улар етти иқлимга машҳур Бухоро қоракўли терилари билан савдо қилишарди. Бу ишни кенг миқёсда йўлга қўя олган Убайдуллахўжа бобоси Ҳожихўжа эди. У савдо карвонлари билан нафақат Россия, балки, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Германияга ҳам сафарларга чиқар эди. Бухоролик қарияларнинг гувоҳлик беришича, ўша йилларда савдогарларнинг узоқ сафарлари мезони сифатида Москва қабул қилинган эди. Савдогарлар Москвани «қалъа» деб аташарди. Бошқа мамлакатлар Москвага нисбатан узоқ-яқинлигига қараб «икки карра қалъа сафари» ёки «уч карра қалъа сафари» деб баҳоланарди.

Ҳожихўжадан кейин савдо бутун дастмояси билан унинг ўғли Қосимхўжага ўтди. Бу даврга келиб Россия империяси Бухоро хонлиги билан ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиш тўғрисида битим тузди. Натижада савдогарлар бойлигига бойлик қўшиш учун янги имкониятлар вужудга келди. Қосимхўжа вафот қилгач пайтга келиб, хонадон кўп миллионлик мол-мулкка эга бўлган савдогарлар сулоласига айланган эди. Қосимхўжа етти ўғлига беҳисоб бойликлар билан бир қаторда Москва, Петербург, Нижний Новгород, Оренбург ярмаркаларидаги дўконлари, Лейпциг ва Стамбулда улгуржи магазинларини мерос сифатида қолдирди.

Етти ака-ука ўртасида, айниқса, Латифхўжа билан Убайдуллахўжа абжир чиқиб қолишди. Улар икковларига мерос қолган бойликни бирлаштириб, савдони бирга олиб борадиган бўлишди. Кўпинча Латифхўжа Москвада доимий яшаб, барча савдо жараёнларига раҳбарлик қилар, Убайдуллахўжа эса уни зарур миқдорда қоракўл терилари билан таъминлаб турарди.

Аммо бу сафар Убайдуллахўжа ўтган мавсумдан қолган қоракўл териларни кўтара савдо учун Нижний Новгород ярмаркасига ўзи олиб келди. Ярмаркада бухоролик савдогарларнинг дўконларидан бутун бир раста ҳосил бўлганди. Умуман ярмаркада биллур ва чинни буюмлари, мўйна, ипак, кўн, заргарлик буюмлари билан савдо қилинарди.

Ота ўғлига дунёни кўрсатиш, савдо ишларига меҳр уйғотиш учун ўзи билан бирга сафарга олиб чиқди. Аслида мадрасада икки йил таҳсил кўриб, Қуръонни туширган ўғлини Москвада маълум фурсатга қолдириб, рус муаллимларидан илм ўргатиш ниятидаги ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам сулола давомчиси ҳисобланган тўнғич ўғлининг қиличга нисбатан бундай ғайритабиий қизиқиши отани ташвишга солиб қўйди.

* * *

— Ассалому алайкум! — Файзулла ичкарига кириб, қўлини кўксига қўйган ҳолда даврадагилар олдида бошини эгди.

— Ваалайкум ассалом, Файзуллахўжа! — деди Олимхон тўра унга синчиклаб тикилиб. — Отангиздан сизнинг савдогар бўлиш ниятингиз тўғрисида кўп гаплар эшитилмиз, сиз бўлсангиз даврага қилич тақиб кириб келибтурсиз!

— Мен савдогар эмас, сипоҳи бўлурмен! — дея мағрур жавоб берди Файзулла.

— Ие, савдогарнинг ўғлидан ҳам сипоҳи чиқурми?! — ажабланган бўлди Олимхон тўра ва ўзининг ҳазилига ўзи биринчи бўлиб хоҳолаб кулди.

Файзулланинг нозик ва узун бармоқлари қиличнинг дастасидаги аждаҳо белини қаттиқ қисди, қаро кўзларида учқунлар пайдо бўлди. Энди оғиз жуфтлаб тўрага жавоб қайтармоқчи ҳам эдики, унга боқиб, лабини қимтиб турган отасига кўзи тушиб, бу камситиш сўзларини қилт этиб ютиб юборди. Аммо тўранинг кўп ичишдан киртайиб қолган кўзларидан назарини ўзмади. Бу назар уни сеҳрлагандай Олимхон гандираклаб ўрнидан турди-да, нималарнидир тўнғиллаб, маст улфатларига эътибор ҳам қилмай, хизматкорига уни хобгоҳига олиб боришни буюрди. Вақт алламаҳалга етиб қолган, даврадагилар ҳам ўзларини ҳорғин сезардилар.

Убайдуллахўжа ўғлининг қўлидан маҳкам ушлаб меҳмонхонага қайтди.

— Эшитдингизми, ўғлим, савдогар наслидан сипоҳи чиқмас. Буни Олимхон тўра ҳам сизга айтдилар. Ўзимдек савдогар бўлишингиз маъқулроқ, сипоҳиликдан ҳеч қачон яхшилик чиққан эмас, — деди у ўғлининг озғин елкаларидан қучиб. У Ванновскийнинг қўлига ўтиб кетган семиз ҳамёнига афсусланиб, ичинганидан кейин ҳам узоқ вақтгача ухлай олмади.

— Йўқ, отажон, мен сипоҳи бўлурмен. Олимхон тўрани жанг майдонида енгурмен, — дея аста пичирлади Файзулла уйқуга кетаркан. Зум ўтмай у тушида ўзини оқ тулпорга мининб, бошни узра олтин қиличнни ўйнатиб, катта бир қўшинни жангга бошлаб бораётган ҳолда кўрди.

Файзулланинг бу туши орадан ўн уч йил ўтгандан кейин ўнгидан келди. У инқилобий қизил қўшин бошида озод этилган Бухорога кириб борди.

Ўзбеклардан биринчи бўлиб армия қўмондони фахрий унвонига сазовор бўлган Файзулла Хўжаев мана шу олтин қиличини Бухорода биринчи дорилмуаллимин даргоҳини қуриш харажатлари учун ҳадя этди. «Бухоро ахбори» рўзномасининг 1922 йил 30 ноябрь сонида хабар қилинишича, шу муносабат билан Бухоронинг барча туман вилоятларида митинглар бўлиб ўтиб, меҳнаткаш халқ янги дорилмуаллимин биноси учун 350 миллион сўм пона йиғди. Командармнинг олтин қиличи эса меҳнаткашларнинг талабига биноан умрбод сақлаш учун Бухоро музейига топширилди...

ОБУНА-92

СИЗ „СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ“ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Ҳар бир хонадон истаги

Кўп йиллардан буён пахта тайёрлаш режаларини бажармай келаётган Амударё районидаги «Манғит» давлат хўжалиги иқтисодий жиҳатдан анча заифлашиб қолган эди. Ҳозир совхоз ўзини ўзи пул билан таъминлаш усулига ўтиб бироз ўнгланиб олди. Қанчалик яхши, унумли ишланса, даромад ҳам шунчалик кўпайишини тушунган хўжалик ишчилари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили совхоз пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш режаларини ошириб бажарди ва даромадли хўжаликка айланди.

— Бу йилги ишларимиз чакки эмас, — дейди совхоз директори Ф. Эрмонов. — Ниҳоятда оғир шароитда пахтакорлар 6 минг тонналик ҳосил, шунингдек ўттан йилдагидан анча кўп миқдорда сабзавот, полиз, мева ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Иқтисодий ночорлик кучайган, нарх-наво кўтарилиб бораётган даврда «Совет Ўзбекистони» рўзномаси ўз саҳифаларида таназзулдан чиқиш, аҳоли таъминотини яхшилаш борасида жойларда бажарилаётган ишлар, тўпланган тажрибаларни изчил ёритаётгани айни кўнгилдагидек бўлмоқда. Совхозимиз меҳнат аҳли шунинг учун ҳам рўзномани севиб ўқийдилар. Ҳозир ҳар бир хонадон шу рўзномага обуна бўлиш истагида.

Совхоз маъмурияти бозор иқтисодиёти даврида ҳатто вақтли матбуот ҳам қимматлашиб кетганлигини ҳисобга олиб кам даромадли оилаларни, уруш ва меҳнат ветеранларини «Совет Ўзбекистони» рўзномасига 1992 йил учун обуна қилишнинг барча чора-тадбирларини кўрмоқда. **Меҳнат жамоаси кенгаши қарори билан дирекция фондидан 500 сўм, касаба уюшмаси комитети ҳисобидан 300 сўм, партия ташкилоти ҳисобидан 200 сўм, жами 1 минг сўмлик миқдорда пул ажратилиб, ана шундай кишилар «Совет Ўзбекистони»га бепул обуна қилдирилди. Хўжалик партия ташкилоти шунингдек, ҳар бир коммунистнинг келгуси йил учун республика партия рўзномаси — «Совет Ўзбекистони»га обуна бўлишига эришишни мақсад қилиб қўйди.** Шу кунларда давлат хўжалигининг барча агроучастка ва бригадаларида рўзнома ва ойномаларга обуна жадал бошлаб юборилди.

Ҳозир жумҳуриятимизнинг шаҳар ва районларида, барча меҳнат жамоаларида обуна жадал бошланган бир пайтда Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари Иттифоқ ва жумҳурият рўзнома ва ойномалари каталоглари билан етарли таъминламаганлиги ташвиш туғдиряпти. Бундан айниқса «Союзпечать» агентликлари ходимлари қийналиб қолмоқдалар. Обуна нархлари қимматлашгани устига республика Алоқа вазирлиги бу ишга бефарқ қараётганлигига ачинасан киши. Ҳозирги долзарб пайтда юз бераётган ҳар қандай камчиликларга фавқулодда воқеа деб қаралиши ва у дарҳол тузатилиши лозим.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИРИНЧИ БЎЛИБ ЁЗИЛДИМ

«Совет Ўзбекистони»ни қадрдоним, ҳамсуҳбатим ва доимий маслаҳатгўйим деб аташга ҳақлиман. 38 йилдирки унинг доимий муштарийсиман. Рўзномани жуда қадрлайман. Зеро, у айни бир пайтда ҳам ташвиқотчи, ҳам тарғиботчи бўлибгина қолмай, ажойиб ташкилотчи ҳамдир. Жумҳуриятимизнинг бутун тарихи рўзнома саҳифаларида муҳрланиб қолган. Агар унинг таҳламларини варақласангиз содир бўлган қанчадан-қанча тарихий воқеалар кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Ҳозир жамиятимиз, партиямиз оғир даврни бошидан кечирмоқда. Демократияни суиистеъмол қилаётган шахслар Коммунистик партияга ҳам, ўтмишимизга ҳам таъна тошини отмоқдалар. Кекса авлодни эса турли хатоликларга йўл қўйишда ёпасига айбламоқдалар. Лекин бунинг ҳақиқатга зидлиги сир эмас. «Совет Ўзбекистони» саҳифаларида партияга хуруж қилаётганларга қарши қатор мақолалар бериб борилаётганлигидан мамнунмиз. Шунинг учун ҳам рўзномага ўзим биринчи бўлиб ёзилиш билан бирга бошқаларни ҳам тезроқ обуна бўлишга ундайман.

Р. ИЎЛДОШЕВ,
Андижон вилоят, Хўжаобод районидаги 18-ҳунартехника билим юрти директори.

Хўжалигимизда рўзнома ва ойномаларга 1992 йил учун обуна қабул қилишга биринчи кунданоқ жадал киришдик. Маълумки, бугунги кунда бутун мамлакатда содир бўлаётган воқеалар ва янгиликларни матбуотсиз тасаввур қилиш қийин. Қаерда нима гаплар бўляпти? Қандай воқеалар рўй беряпти? Биз кундалик турмушда ана шуларни матбуот орқали билиб оламиз. Хўжалигимизда «Совет Ўзбекистони» рўзномаси ҳар бир оилага кундалик ҳамроҳ ва кўмакдош. Фикрларни бойитади, билимни оширади. Шунинг учун ҳам у севимли рўзнома ҳисобланади. Биз шуни ҳисобга олиб бу йил ҳам рўзнома обунасига эътиборни кучайтирдик. Тўғри, бозор иқтисодиёти сабабли нарх-наво кўтарилган. Энди хўжаликка қарашли бир тийинни ҳам ўринсиз сарфлаш қийин. Лекин, совхозимиз ўтириб қолган хўжалик эмас. Даромади яхши. Ўтган йил якуни билан 20 миллион сўм даромад қилганмиз. Унинг ўн миллион сўми ишчиларимизга тарқатилди. Қолган маблағ ўз ўрни билан ижтимоий ривожланишга сарфланяпти.

Рўзнома ва ойномаларнинг обуна нархи ошган бўлса ҳам бу таҳририятга боғлиқ эмаслигини яхши биламиз. Қоғоз масаласи, газета ва журналларни хонадонларга етказиш билан боғлиқ хизмат қимматлашди. Бу ҳам сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик. **Агар ўтган йили обуна учун 19 минг сўмлик маблағ ажратган ва 40 кишини «Совет Ўзбекистони» газетасига бепул обуна қилган бўлсак, бу йил обуна учун пул ажратмани икки баравар оширамиз.**

90 киши хўжалик ҳисобидан

УЛЬЯНОВ РАЙОНИДАГИ «ПАХТАКОР» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ ДИРЕКЦИЯСИ ВА ПАРТИЯ ҚЎМИТАСИ АНА ШУНГА ҚАРОР ҚИЛДИ

Хўжалигимизда 300 дан ортиқ киши «Совет Ўзбекистони»га обуна қилинади. Лекин совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти қарори билан меҳнат илғорлари, фахрийлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, фахрий коммунистларга тегишли имтиёз яратдик. Ана шундай кишилардан 90 нафарини хўжалик фонди ҳисобидан «Совет Ўзбекистони» рўзномасига бепул обуна қилмоқчимиз. Илғор ишчилардан Л. Кафтанова, Ҳ. Бобонова, Т. Бекмуродов, Ҳ. Назаров, Т. Рўзимуродов, Ҳ. Нафасов каби жами 25 киши, меҳнат фахрийларидан А. Шоназаров, Т. Азизов, С. Ботиров, О. Холов, С. Бекназаров, Ў. Бобохонова (жами 10 киши), Улуғ Ватан уруши фахрийларидан М. Бобоев, Н. Сафаров, Д. Қодиров, Р. Мамадиёров, У. Давронов, Н. Бобоев, Р. Худойназаров (жами — 10 киши), байналмилалчи жангчилар Х. Полвонов, Б. Бозоров, Ў. Маматов (жами—5 киши), илғор механизаторлардан П. Аҳмедов, С. Қобилов, Ф. Чориев, П. Бобомуродов, Я. Бобоқулов, Ж. Бўриев, О. Имомов, С. Назаров (жами 25 киши), партия фахрийларидан М. Сиддиқова, М. Рустамова, Ж. Сиддиқов, Э. Ашуров, С. Бўриев, Н. Ҳамроевалар (жами 10 киши) ана шулар жумласидандир.

Аҳолига ёрдам ва ғамхўрликнинг қайтими яхши бўлиши аниқ. Ҳозир 1900 гектарда ғўза ўстиряпмиз. 6000 тонна пахта етиштириш ниятимиз бор.

Рўзғоримизнинг бутлиги, халқимизнинг фаровонлиги, дон ва ундан бўладиган нонга боғлиқ. Ғаллакорларимиз ҳар гектар ердан 30 центнердан ғалла ўриб олдилар. 850 тонна дон жамғардик. Республика Президентининг Фармонига биноан аҳолига 250 тоннасини ажратдик.

Йил охиригача 400 хонадонга табиий газ киритиладди. Ҳадемай 814 ўринли ўрта мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси ишга туширилади. Универмаг ва ҳаммом қурилиши ҳам тезлаштириляпти. Хуллас, ишларимиз кўп. Келгусида ютуқ ва нуқсонларимиз рўзномамиз саҳифаларида ўз аксини топса ғоят хурсанд бўлардик.

Нарзулла ФАЙЗИЕВ,
Ульянов районидаги «Пахтакор» давлат хўжалиги директори.

Гелдиёр АЗИЗОВ,
совхоз партия қўмитаси котиби.

ДОИМИЙ МАСЛАҲАТГЎЙИНГИЗ

Ҳурматли муштарийлар! Ҳамиша севимли рўзномангизга обуна давом этяпти.

Сиз унга ёзилиш учун жумҳуриятимиздаги барча алоқа бўлимларига, «Союзпечать» агентликларига, корхона ва ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликларидаги жамоатчи фаолларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Совет Ўзбекистони» таҳририяти ҳар доим амал қилганидек келгуси йилда ҳам рўзнома саҳифаларида муштарийлар ишончини оқлаб, улар қизиқиб ўқийдиган турли хил мавзулардаги мақолаларни чоп этиб боради, халқимиз турмуши билан боғлиқ энг долзарб муаммоларни, ибратли ишларни, дунёда, мамлакатда, республикада содир бўлаётган янгиликларни изчил ёритади, яхши, тўқ ҳаёт кечиришимизга ҳалақит бераётган иллатларни аёвсиз фош этаверади.

Жумҳуриятдаги кўпчилик колхоз ва совхозлар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги вақтинча қийинчиликларни, нарх-наволар, жумладан рўзномамиз нархи ошганлигини эътиборга олиб, ўз хўжаликлари ва ташкилотлари ҳисобидан кам даромадли оилаларни, уруш ва меҳнат фахрийларини «Совет Ўзбекистони»га обуна қилиш тадоригини кўрмоқдалар. Бундай ташаббуслар кенг ёйилаверсин.

● **«Совет Ўзбекистони» рўзномаси фикр доирангиз ва билимингизни ошириб борадиган доимий маслаҳатгўйингиз, кўмакдошингиз эканлигини ҳамиша ёдингизда тутинг.**

● «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бир йиллик обуна нархи — 25 сўм 68 тийин, олти ойлик баҳоси — 12 сўм 84 тийин. Бу — чакана савдода харид қилишга қараганда анча арзон.

● **Севимли рўзномангизга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг!**

СПОРТ

● СССР СОВРИНИ УЧУН

ҒАЛАБА МУБОРАК

Москвадан хушхабар олинди: халқаро тоифадаги спорт устаси андижонлик чавандоз Амир Ахмедшин от спорти бўйича СССР совринни эгаси бўлди. Тўсиқлар оша мусобақаларда бундай совринни қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди, ахир. Эпчиллик, маҳорат ҳамда тўрт оёқли дўстни тўсиқлар оша юрита олиш сирларини эгаллаш керак. Жумҳуриятимиз вакили масъулиятли имтиҳондан муваффақиятли ўтди.

Мусобақаларда жумҳуриятимизни бошқа вакиллари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Жумладан, спорт устаси тошкентлик Артур Бағдасарян тўртинчи бўлди, спорт устаси чирчиқлик Искандар Йўлдошев эса кучлилар сафидан жой олди.

● ВЕЛОСПОРТ

ПОЙГАДА УЧИНЧИ

Ўзбекистонлик велопойгачи Фатма Галиулина Олмаота шаҳрида ўтказилган СССР совринни мусобақасининг совриндори бўлди. У 50 километр пойгада маррага учинчи бўлиб келди. Халқаро тоифадаги спорт устаси чирчиқлик Ф. Галиулина бу сафар мамлакат касаба уюшмалари терма жамоаси аъзоси сифатида беллашди.

Етмиш километрга группа пойгасида тошкентлик Ирина Осипченко кучли олтиликдан жой олди.

● ГИМНАСТИКА

ВАКИЛЛАРИМИЗ ҲИССАСИ

Кальяри шаҳрида мусобақа эгаси — Италия ва Совет Иттифоқи гимнастикачиларининг икки томонлама баҳси тугади. Мусобақада кетма-кет етти ўрин Ватанимиз вакилларига насиб этганлиги ғоят қувонарлидир.

Олмалиқлик гимнастикачи Р. Галиева иккинчи, тошкентлик О. Чусовитина бешинчи ўринларни олишди.

● ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРМАДИ

Москва армячилари навбатдаги турдан сўнг ҳам пешқадам бўлиб туришибди. Улар Душанбенинг «Помир» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Харьковдаги ўйин ҳам ҳаяжонли бўлди. Майдон эгалари — «Металлист» Москва спартакчилари билан учрашди. Меҳмонлар икки очкони қўлга киритишди. (Ҳисоб 3:1). Шуниси диққатга сазоворки, дарвозаларга тўрттала тўп танаффусдан сўнг йўлланди.

Мусобақа жадвалига назар ташласак, унинг қуйи поғоналарида кўриниш ўзгармаганлигини кўрамиз. «Пахтакор» ўн олти очко билан ўн бешинчи, Москва темирйўлчилари эса шунча очко билан сўнгги ўринда боришаётир.

● ШАХМАТ

СОБИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИГА НИМА БЎЛДИ?

Чиндан ҳам шахмат мухлислари шундай савол беришлари, табиий. Жаҳоннинг собиқ чемпиони А. Карпов даъвогарлар баҳсида ҳиндистонлик Ананд билан учинчи марта учрашиб, яна дурангга рози бўлди. Ҳисоб ҳозирча —1,5:1,5.

Тимман—Корчной баҳсида ҳисоб 2,5:0,5. Иванчук Юсуповни енгиб, ҳисобни тенглаштирди. — 1,5:1,5. Шорт эса Гельфандни енгди ва 2:1 ҳисобида устунликка эришди.

• *Бетга айтганнинг заҳри йўқ* •

ГАП ЭЪТИБОРДА

Маълумотим ўрта махсус, журналистикага жуда қизиқаман. Косон район «Шарқ юлдузи» рўзномасида 1976 йилдан буён ўз мақолаларим билан қатнашиб келяпман. Ҳозир суратлар ҳам оляпман. Ўтган йили икки йиллик ишчи-деҳқон мухбирлари дорилфунунини тугалладим. Бир неча мақолаларимни «Шарқ юлдузи» рўзномаси таҳририятига топширган эдим. Лекин шу пайтгача улар чоп этилмади. Муҳаррир Н. Муҳамедовга учраб, ёзган нарсаларим тақдири билан қизиқдим. У рўзноманинг ҳафтада икки марта чиқаётганлиги, материалларни босишга жой етишмаётгани ҳамда қоғоз тақчиллигини менга тушунтирди. Шуниси қизиқки, таҳририят ходимларининг ўзлари ёзган нарсалар тез-тез чиқаяпти-ю, жамоатчи ва штатсиз мухбирларнинг мақолалари эса онда-сонда, шунда ҳам жуда қисқа ҳолда кўриниб қолади. Уларнинг қалам ҳақи эса ҳатто йўл ҳаражатини ҳам оқламайди. Лекин гап пулда эмас, балки эътибордадир. Наҳотки буни рўзнома муҳаррири билмаса. Истардимки, рўзнома ижодкорлари, жамоатчи ва штатсиз мухбирларга ҳурмат ва ишонч билан қарасинлар.

Е. ЭШМАТОВ,
Косон районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАР ВА РАССОМЛАР УЮШМАЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАВЖУД МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ҲУДУДИДА МУҲАММАД ТАРАҒАЙ УЛУҒБЕК (Мирзо Улуғбек) ҲАЙКАЛИНИНГ ЛОЙИҲА ТАКЛИФИНИ ЯРАТИШ УЧУН

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов дастури ва шартларини Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг Маданий ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасидан танлов ҳайъатининг масъул котиби Л. И. Кадубдан олиш мумкин (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй), телефон 44-64-73.

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНГАН:

I мукофот — 5000 сўм.
II мукофот — 3000 сўм.
III мукофот — 2000 сўм.
2 та рағбатлантирувчи мукофот — 500 сўмдан.

Танлов ишларини 1991 йил 1 ноябрь соат 18.00 дан кечиктирмай Ўзбекистон Меъморлар уюшмасига қуйидаги манзилга тақдим қилиш зарур: ГСП Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй.

Бошқа шаҳарликлар учун почта квитанциясидаги жўнатиш санаси асос қилиб олинади. Кўрсатилган муддатдан кейин топширилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ қуйидаги малака ошириш мутахассисликларидан

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЖУМҲУРИЯТ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ҚУРСЛАРИГА

ШИФОКОРЛАР УЧУН:

ИГНАРЕФЛЕКСОТЕРАПИЯ. **Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 434 сўм.**

ДАВОЛАШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ ВА ЎҚАЛАШ. **Муддати — 15 кун. Ўқиш нархи — 108 сўм.**

МАНУАЛ ТЕРАПИЯ. **Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 565 сўм.**

СТОМАТОЛОГИЯДА ЛАЗЕРТЕРАПИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ. **Муддати — 15 кун. Ўқиш нархи — 365 сўм.**

ПСИХОСОМАТИК КАСАЛЛАРНИНГ ПСИХОТЕРАПИЯСИ. **Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 196 сўм** (Патологиясиз руҳий касалликларни руҳий муолажа (таъсир) билан даволаш).

психоген сексуал бузилишлар ва неврозларнинг психотерапияси (Асаб касалликлари ва руҳий ҳолат таъсирида жинсий вужуднинг сусайишини руҳий муолажа билан даволаш).

Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 202 сўм.

УРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАР УЧУН:

ФИЗИОТЕРАПИЯ. **Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 250 сўм.**

ДАВОЛОВЧИ ЎҚАЛАШ. **Муддати — 2 ой. Ўқиш нархи — 687 сўм.**

ДАВОЛОВЧИ ХУШРЎЙПАРВАРЛИК. **Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 316 сўм.**

ФИТОТЕРАПИЯ. (гиёҳлар билан даволаш). **Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи 135 сўм.**

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМГА ЭГА ШАХСЛАР УЧУН:

НАФОСАТ ХУШРЎЙПАРВАРЛИГИ. **Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 347 сўм.**

Машғулотларни юқорн малакали мутахассислар олиб боришади. Ўқиш тугагач, даволаш муассасаларида ишлаш ҳуқуқи билан гувоҳномалар берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқиш учун пул нақд ва жорий ҳисобга ўтказиш йўли билан тўланади.

Бизнинг макон: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй. Телефонлар: 44-12-03; 41-18-01.

Хушрўйпарварлик кунлари макони. Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй. Телефон — 45-15-52.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИЛМГОҲИ

1991 йил учун кундузги ва сиртқи аспирантурага қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ядро ва элементар заррачалар физикаси, қаттиқ жисм физикаси, яримўтказгичлар ва диалектриклар физикаси, қувват турларининг ўзгартирилиши, саноат иссиқлик энергетикаси.

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — 1991 ЙИЛ 1 НОЯБРГАЧА.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700084, Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 2 «б» уй, илмий котибга. Телефонлар: 35-40-82, 33-12-71.

КИЧИК КОРХОНА ВА КООПЕРАТИВ ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ИҚТИСОДЧИ» КИЧИК ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

Сизлар учун «Кичик корхона ва кооператив ҳисобчилари учун» амалий қўлланмани ҳавола этади. Қўлланмада аниқ мисоллар билан бухгалтерлик ҳисоби, ҳамма бухгалтерлик саволларига жавоб ва баланс қилиш кўрсатилган.

Баҳоси — 98 сўм.

Ҳисоб счётимиз 000609207 Саноат қурилиш банкида, МФО 733300. Самарқанд шаҳри.

Нақд пулга олувчилар хат орқали мурожаат қилишлари мумкин.

«ИҚТИСОДЧИ» кичик корхонаси сентябрь ойининг ўрталарида брокерлар (воситачилар)ни ўқитадиган мактаб ташкил қилади.

Машғулотларни Москва шаҳрининг «РОСАГРОБИРЖА» мутахассислари олиб боради.

Манзилгоҳимиз: Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй, I корпус, 4-қават. Телефон 37-49-32.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси Ўзбекистон ССР деҳқонлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ҳ. Л. Йўлдошевга умр йўлдоши

Ҳалимахон ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё темир йўли соғлиқни сақлаш хизмати ва Ўрта Осиё темир йўли клиник касалхонаси ходимлари Ўрта Осиё темир йўли касалхонасининг бош врачи, Ўзбекистон ССР халқ депутати Л. Т. Тожихоновга онаси

Ойниса МАДАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси жамоаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг гаражи ҳайдовчиси Ш. Ғозиевга онаси

Содиқа ҒОЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими, — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.
№ 158.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12